

**Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш
бўйича республика комиссияси йиғилиши
БАЁНИ**

2025 йил 18 октябрь

Тошкент шаҳри

КУН ТАРТИБИ:

**Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида ҳудудларда амалга оширилган ишлар
ва келгусидаги устувор вазифалар тўғрисида**

(Давлетов, Азизов, Қуранбаев, Жўраев, Саъдуллаев, ... Давлетов)

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати тараққиётнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланмоқда.

Ҳурматли Президентимиз ташаббуслари билан ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, интеллектуал ва ижтимоий ўсиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Давлат Раҳбари иштирокида ўтказилган ҳар бир йиғилиш ёки қабул қилинган қарорларда ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, улар учун қўшимча имкониятлар яратиш ва ислохотларни маҳаллагача етиб боришига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Буни яққол далили сифатида жорий йилнинг ўзида Президентимиз томонидан ёшлар билан икки маротаба (*февраль ва июнь ойларида*) тўғридан-тўғри, очик ва самимий мулоқот ўтказилди, шунингдек, куни кеча АҚШда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясида ёшлар масаласини алоҳида устувор йўналиш сифатида эътироф этиб, “**Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати**” ташаббусини илгари сурдилар.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш ҳамда бандлигини таъминлаш соҳасида ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганганилганда, соҳага масъул айрим раҳбарлар томонидан белгиланган вазифаларга совуққонлик ва масъулиятсизлик билан ёндашилаётганлиги сабабли ҳалигача ёшларимизни қийнаб келаётган муаммо ва камчиликлар сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда.

Ёшлар билан ишлашда уларни масъул раҳбарлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот ва муҳофаа органлари раҳбарларига бириктириш орқали уларнинг муаммоларини бартараф этиш бўйича тизим натижасида сўнгги уч йилда 500 минг нафар ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашилди.

Таҳлилларга кўра жорий йилда масъулларга оталиққа бириктирилган тарбияси оғир 51 445 нафар ёшларнинг 18 880 нафарига (*37 фоизи*) ҳаётда ўз ўрнини топиши учун бирор бир амалий чора кўрилмагани оқибатида уларнинг 112 нафари қайта жиноят содир этган.

Шундан, **35 нафари** ички ишлар, **28 нафари** мудофаа, **15 нафари** фавқулодда вазиятлар, **13 нафари** миллий гвардия, **11 нафари** прокуратура, **10 нафари** адлия органларига бириктирилган ёшларни ташкил этади.

Ёшлар ўртасида жиноятни жиловлаш, ҳуқуқбузарликка қарши курашиш 2025 йилнинг 8 ойида 6 286 нафар ёш томонидан 6 482 та жиноят содир этилиб, ўтган йилга нисбатан 19 фоизга камайган (*2024 йилда 7 986 та жиноят*). Лекин, **Хоразмда 10,7 фоиз (169/187) ва Навоийда 7,6 фоизга (185/199) ошган.**

Ёшлар орасида 1 546 та (*23,9 фоиз*) ўғирлик, 867 та (*13,4 фоиз*) фирибгарлик, 174 та (*2,7 фоиз*) оғир тан жароҳати етказиш, 97 та (*1,5 фоиз*) талончилик, 70 та (*1,1 фоиз*) номусга тегиш, 42 та (*0,6 фоиз*) қотиллик, 41 та (*6,3 фоизи*) безорилик, 37 та (*0,6 фоиз*) босқинчилик, 35 та (*0,5 фоиз*) транспорт воситасини олиб қочиш ва 3 204 таси (*49,4 фоиз*) бошқа турдаги оғир ва ўта оғир жиноятлар салмоғи ошиб бормоқда.

Ёшлар жиноятини камайтиришнинг энг самарали йўлларида бири – бу **ёшларнинг бандлигини таъминлаш.**

Йил бошида **4 588 нафар** раҳбарларга **115 751 нафар** ишсиз ёшлар бириктирилиб, уларнинг **99 фоизи** банд қилинганлиги бўйича ҳисобот берилмоқда.

Лекин, ўрганишларда аксарият ҳолларда ёшларни доимий даромад топадиган ишларга жойлаштириш ўрнига уларни ўзини ўзи банд қилиб расмийлаштириш билан чекланган.

Хусусан, ишсиз ёшларнинг **48 532 нафари (42 фоизи) ўзини ўзи банд қилди** деган ёлғон ҳисобот берилган.

Тошкент вилоятида **61 фоиз**, Жиззахда **58 фоиз**, Андижон ва Қашқадарёда **52 фоиздан**, Наманганда **51 фоиз**, Хоразм, Сирдарё, Самарқандда **40 фоиздан**, Бухорода **38 фоиз**, Навоий вилоятларида **34 фоиз** бириктирилган ёшлар ўзини ўзи банд қилган.

Айниқса, Оҳанганрон шаҳрида **93 фоиз**, Тошкент туманида **91 фоиз**, Қибрайда **89 фоиз**, Андижон шаҳрида **87 фоиз**, Янгийўл шаҳрида **86 фоиз**, Зангиотада **84 фоиз**, Бўстонликда **83 фоиз**, Улуғнорда **81 фоиз** раҳбарларга бириктирилган ёшлар ҳисобот учун ўзини ўзи банд қилган – деб, доимий даромад келтирадиган иш билан таъминланмаган.

Ёшлар бандлигини таъминлаш масалалари фақатгина қоғозларда юритилиб, ёшларнинг ўзлари ҳам бу ҳолатдан беҳабар қолиб кетмоқда.

Ёшлар бандлигини таъминлашда асосий иш ўринлари яратувчилари бўлган **тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш** ҳам муҳим.

Таҳлилларга кўра **янги тадбиркорлик субъектларини** ташкил этиш **2017 йилда 174 мингдан (67 минг – юридик, 107 минг – жисмоний)** ортиқ бўлган бўлса, **2024 йилга келиб 468 мингдан (78 минг – юридик, 390 минг – жисмоний)** ортган (*2,7 барабар кўп*).

Шунингдек, **фаолият юритаётган** корхоналар сони **2017 йилда 232 мингтани** ташкил этган, **2024 йилда эса 358 мингга** етган (*1,5 баравар кўп*).

Фаолият юритаётган корхоналар сони **13 та** ҳудудда ўртача **60 фоизга** ошган бўлса, **Андижонда** бундай корхоналар сони **2017 йилга нисбатан 500 тага камайиб, 19 967 тага тушган.**

Эътиборлиси, **Хоразм** вилоятидан ташқари барча **13 та ҳудудларда** фаолият юритаётган **корхоналар** сони **коронавирус пандемияси** давридагига (*2020 йил*) нисбатан ҳам **камайиб** кетган. **Пандемияда** ушбу ҳудудларда **корхоналар 392 мингга** бўлган бўлса, **2024 йилга** келиб уларнинг сони **14 фоизга камайиб, 337,5 минггага тушган.**

Шу билан бирга, **фаолият юритмаётган** тадбиркорлик субъектлари сони (*фақат юридик шахс*) **2017 йилда 14,7 минг** бўлган бўлса, **2024 йилга** келиб ушбу кўрсаткич **301 мингни** ташкил этди (*20 баравар кўп*).

Барча ҳудудларда **фаолият юритмаётган корхоналар** сони каррасига ошган. Жумладан, **2017 йилга** нисбатан бундай корхоналар сони **Фарғонада 102 бараварга** (*2017 йилда – 284 та, 2024 йилда – 29 097 та*), **Тошкент шаҳрида 56 бараварга** (*2017 йилда – 935 та, 2024 йилда – 51 991 та*), **Навоийда 49 бараварга** (*2017 йилда – 222 та, 2024 йилда – 10 901 та*) кўпайган.

Барча **фаолият юритмаётган** корхоналарнинг улуши **2024 йилда – 45,7 фоизгача** етган бўлиб, бу кўрсаткичдан ҳам ёмонроқ вазият **Андижон (58%), Сирдарё (55%), Жиззах (53,2%), Фарғона (51%), Наманган (48,3%), Қашқадарё (47,8%)** ва **Тошкент (46%)** вилоятларида қайд этилди.

Яна бир муҳим жиҳат, ҳар бир ҳудуднинг **тадбиркорлик** билан шуғулланиш **фаоллиги** (*фаолият юритаётган корхоналар ва ЯТТлар*) таҳлил қилинганда, **энг юқори** фаоллик **Тошкент шаҳрида** қайд этилган. Ҳудудда меҳнатга лаёқатли ҳар **100 нафар** аҳолининг **6,2 таси тадбиркор** ҳисобланади.

Тадбиркоркорлик фаоллиги **энг паст ҳудудлар Сурхондарёда (2,4 та), Қашқадарёда (2,5 та), Наманганда (2,6 та)** қайд этилди.

Юқоридаги ҳолатлар ўз-ўзидан кичик бизнеснинг барча ҳудудларда **иктисодиётидаги таъсири тушиб** бораётганлигида ҳам кўринмоқда.

Хусусан, **2025 йил 1-ярим** йиллиги якунига кўра, ҳудудларнинг **ялпи ички маҳсулотида** кичик бизнеснинг улуши **2017 йилга** нисбатан **кескин тушиш Навоийда (30,4 фоиз пунктда), Жиззахда (18 фоиз пунктда), Тошкент шаҳрида (15,3 фоиз пунктда)** ва **Андижонда (15,1 фоиз пунктда)** кузатилмоқда.

Ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришда **Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари** ҳам муҳим инструмент ҳисобланади.

Бугунги кунда Республикамизда **200 та** Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолияти йўлга қўйилиб, мазкур зоналарга **2 969 та** лойиҳалар жойлаштирилиб, уларнинг **1 602 таси** ишга туширилди.

Ўрганиш давомида **Қорақалпоғистон Республикасида 2 та, Тошкентда 9 та, Сурхондарёда 5 та, Тошкент шаҳрида 3 та ва Самарқандда 1 та ёшлар саноат зоналарида электр энергияси ўтказилмаганлиги аниқланди.**

Шунингдек, **Қорақалпоғистон Республикасида 14 та, Тошкент вилоятида 12 та, Жиззахда 5 та, Бухорода 4 та, Фарғона ва Навоий вилоятларида 2 тадан, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида 1 тадан саноат зоналарида табиий газ тармоғи уланмаган.**

Бундан ташқари, **105 та ёшлар саноат зонасида автомобиль йўллари ҳамда 64 тасида эса ичимлик суви мавжуд эмаслиги аниқланди.**

Ёшлар саноат зоналарида етарли инфратузилманинг мавжуд эмаслиги ўз-ўзидан ушбу ҳудудларда номигагина ташкил этилганлиги ва ёшлар учун деярли **фойда келтирмаётганлигини кўрсатмоқда.**

Ёшлар саноат зоналари иштирокчилари билан тузилган **инвестиция битимларининг ижросини самарали назорат қилиш бўйича тизим йўлга қўйилмаган.** Хусусан, лойиҳалар доирасида яратилган **29 минг янги иш ўринларининг 4 155 таси** танлов асосида ўрганилганда, уларнинг **3 192 таси (77%) солиқ ва бандлик ахборот тизимларида мавжуд эмаслиги аниқланди.**

Ўтган **3,5 йил** давомида тизим шаклланди. Ёшлар етакчиларига ёшларнинг муаммоси ва ташаббусига тўғридан-тўғри ечим топиш учун **20 дан ортиқ ваколат ва имкониятлар берилди.**

Таҳлилларимизга кўра республика бўйича **9008 та** маҳаллаларнинг **157 тасида (1,7 фоиз)** ёшлар етакчиси лавозими **вакант.**

Кадрлар қўнимсизлиги бўйича **Қашқадарё (21 та), Фарғона (20 та), Бухоро (18 та), Тошкент шаҳри (17 та) ва Андижон (13 та)** етакчилиқ қилмоқда.

Етакчиларнинг энг кўп ишдан бўшаш ҳолати **Тошкент 22,7 фоиз (233 нафар), Фарғона 17,5 фоиз (182 нафар) ва Бухоро вилоятларида 31 фоизни (160 нафар) қайд этилмоқда.**

Ёшлар етакчиларининг **198 нафарига (Самарқандда 153 нафар, Тошкент вилоятида 25 нафар, Қорақалпоғистон Республикасида 12 нафар, Андижонда 8 нафар) 3 йилдан** буён компьютер жиҳозлари ажратилмаган.

Тошкент вилоятида **22 нафар** Фарғонада **18 нафар** Қорақалпоғистонда **17 нафар,** Андижон, Самарқанд, Қашқадарёда **16 нафардан** Сурхондарёда **15 нафар** Наманганда **14 нафар,** Бухоро, Жиззахда **13 нафардан,** Хоразм, Тошкент шаҳрида **12 нафардан,** Сирдарё ва Навоийда **11 нафардан жами 206 нафар** етакчилар аҳоли томонидан **салбий тавсифланган ёки ножўя хатти-ҳаракат содир этиб келаётганлиги аниқланган.**

Ёшлар билан ишлаш тизими тўлиқ рақамлаштирилмоқда. Бу борада жорий йил **10 сентябрь** куни Ҳурматли Президентимиз томонидан ёшлар етакчилари фаолиятига доир яна бир муҳим Фармон (**ПФ-163-сон**) имзоланди.

Фармон билан етакчиларнинг вазифалари этиб қуйидаги 4 та устувор

йўналиш мустаҳкам белгилаб қўйилди. Фармон билан ушбу асосий вазифаларга боғлиқ бўлмаган бошқа вазифа ва топшириқларни ёшлар етакчилари зиммасига юклаш тақиқланди. Президент Фармон ва қарорлари талабларига риоя этмаган масъулларга жиддий чора қўрилиши таъкидланди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган ҳисоботлар ва билдирилган камчиликларни атрофлича муҳокама қилган ҳолда, Республика комиссияси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси **Р.Давлетов**, маслаҳатчи ўринбосари **А.Азизов**, комиссия раиси **К.Куранбаев**, комиссия раиси ўринбосарлари **Ж.Жўраев**, **А.Саъдуллаев**, ҳудудий комиссия раислари **Ш.Абдурахмонов**, **У.Қосимов**, **Н.Турсунов**ларнинг ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ёшлар сиёсати соҳасида амалга ошираётган ислохотларини жойлардаги раҳбарлар томонидан бажарилишида сусткашликларга йўл қўйилганлиги сабабли:

Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари (Сапаров)га **интизомий жазо** чорасини қўллаш, шунингдек, **Қумқўрғон** (Алланазаров), **Норин** (Сидиқов), **Қонлиқўл** (Калимбетов), **Каттакўрғон** (Ширинов), **Оқдарё** (Ортиқова), **Бешарик** (Алиматов), **Ўзбекистон** (Ахмедов), **Зомин** (Анваров) туманлари ҳокимининг ўринбосарлари эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини кўриб чиқиш бўйича тегишли вилоят ҳокимлари **уч кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

Юнусобод тумани ҳокими **Б.Абдувалиев** ҳамда **Пахтобод** тумани ҳокими **Д.Саттаров** ёшлар билан мулоқот қилмаганлиги ва улар билан учрашувлар ўтказиб муаммоларини эшитмаганлиги учун қатъий огоҳлантирилсин.

Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев) **Шеробод** (Абдурахмонов), **Шаҳрихон** (Эркаев), **Ғузор** (Туташев) туманлари ҳамда **Қўқон** (Пайгамов) шаҳар ёшлар ишлари бўлимлари бошлиқлари шунингдек, иловадаги ёшлар етакчиларини **уч кун муддатда** эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

2. **Ички ишлар вазирлиги** (Ташпулатов), **Мудофаа вазирлиги** (Халмухамедов), **Адлия вазирлиги** (Ташкулов), **Фавқулодда вазиятлар вазирлиги** (Кудратходжаев), **Миллий гвардия** (Жўраев), Бош прокуратура (Тўхтабоев):

Оталикқа олинган ёшлар билан ишлашда камчиликларга йўл қўйилганлиги, хусусан, ички ишлар органларига бириктирилган 35 нафар, мудофаа органларига бириктирилган 28 нафар, фавқулодда вазиятлар органларига бириктирилган 15 нафар, миллий гвардияга бириктирилган 13 нафар, прокуратура органларига бириктирилган 11 нафар ва адлия органларига бириктирилган 10 нафар ёшлар томонидан қайта жиноят содир этилганлиги сабабли ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органлари ходимларига нисбатан тегишли **чоралар кўриш юзасидан уч кун**

муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритиш вазифаси юклатилсин.

Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев) билан биргаликда бир ой муддатда:
оталиққа олинган ёшлар билан ишлашда камчиликларнинг ҳар бири бўйича тегишли масъуллар ва офицерлар билан муҳокамалар ташкил этиб, ёшлар муаммоларини тезкорлик билан ҳал этиш, тизимини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқсин.

3. Ички ишлар вазирлиги (Абдуллаев), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Каримова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов) Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев) Республика Маънавият ва маърифат маркази (Ҳасанов) икки ой муддатда ёшларда гиёҳвандликка қарши мурасасиз муносабатни шакллантиришга кенг қамровли акцияларни ташкил этиш ҳамда жиноятчиликни жиловлаш, улар ўртасида соғлом муҳитни шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, ижрога қаратсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарларига:

уч кун муддатда барча даражадаги раҳбарлар, вазирлик идораларнинг вилоят ва туман (шаҳар) раҳбарлари **“оғир”** тоифадаги ишсиз ёшлар, “Ёшлар бандлик дастури”га киритилган ёшлар ҳамда битирувчи ёшларнинг реал ҳолатда бандлиги таъминланганлик даражасини қайта таҳлил қилувчи штаблар фаолиятини йўлга қўйиш;

йил якунига қадар штабларда амалга оширилган ишлар тўлиқ хатловдан ўтказилиб, ёшларга ер ажратиш, тадбиркорлик зоналаридаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни замонавий касбларга ўргатиш ва тадбирколик ташаббуслари борасидаги ишларни мувофиқлаштириб бориш;

амалга оширилган ишлар юзасидан **ҳар ҳафта** якуни билан **Республика комиссиясига** ахборот киритиб бориш вазифаси юклатилсин.

5. Солиқ қўмитаси (Мирзаев) ўзини ўзи банд қилган 30 ёшгача бўлган фуқароларни тўлиқ базасини шакллантириб, **реал даромад топаётган ёшлар тўғрисидаги маълумотларни** ҳудудларда ташкил этилган Штабларга етказсин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Юлдашев), Ўзбекистон фермерлар кенгаши (Хаитов), ҳудудий ҳокимликлар билан биргаликда:

“маҳалла еттилиги” тавсияси инобатга олинмасдан аукционга чиқарилган ер майдонлари ўрнига унумдор ер майдонларини савдога чиқариш чораларини кўрсин;

кооперациялар ташкил этиш бўйича берилган топшириқларни якунига етказиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

7. **Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги** (Захидов) ўн кун муддатда ёшларни касбларга ўргатувчи **мономарказлар** ҳамда **касб-хунар марказлари**, шунингдек, техникумларда ёшларни **замонавий касбларга ўргатиш**, уларни **мақсадли тайёрлаш тизимини** тубдан қайта кўриб чиқиб, **натияждорликни** ошириш бўйича таклиф киритсин.

8. **Миграция агентлиги** (Мусаев) **худудий ҳокимликлар** билан биргаликда хорижга чиқадиган ёшларни **ривожланган мамлакатларга** (*Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Япония*) иш берувчилар билан келишган ҳолда **туман (шаҳар)ларда касбга, хорижий тилларга ўқитиш** марказлари орқали мақсадли жўнатиш бўйича чора-тадбирлар белгиласин.

9. **Ёшлар ишлари агентлиги** (Саъдуллаев), **Савдо саноат палатаси** (Ваҳобов), **худудий ҳокимлар** билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятига қизиқиши бор ёшларга бизнеснинг сирларини ўргатиш, уларга маблағларни тўғри реализация қилиш кўникмаларини шакллантириш бўйича **“Бизнес мактаб”** лойиҳасини амалга оширсин.

10. **Марказий Банк** (Камалов), **“Алоқабанк”** (Ирисбекова), **“Миллийбанк”** (Мирсоатов) **худудий ҳокимлар** билан биргаликда **жорий йил 1 декабрга қадар** оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ҳамда **“Ёшлар бизнес” дастури** ва **“Келажакка қадам” дастури** доирасида ажратилган ресурсларни тадбиркорлик қилиш истагида бўлган ёшлар ҳамда талабаларга тўлиқ ажратиш чораларини кўрсин.

11. **Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги** (Шарипов), **Ёшлар ишлари агентлиги** (Саъдуллаев) билан биргаликда олийгоҳ талабадарини **“Карьера маркази” платформасида** рўйхатдан ўтишини таъминлаш орқали талабаларни ишга жойлаштириш, битирувчиларга **мустакил иш топиш, резюме шакллантириш, суҳбатга тайёрланиш, вакансия платформаларидан фойдаланиш** кўникмаларини ўргатиш мақсадида олий таълим ташкилотларида **“Карьера клублари”**ни ташкил этиш ишларини жаддалаштирсин.

12. **Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги** (Тешабаев), **Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари дирекцияси** билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** саноат зоналарини самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиш ва уларга ёш тадбиркорларни жалб қилиш бўйича ҳудудлар кесимида асослантирилган таклифларни шакллантириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

13. **Қорақалпоғистон Республика Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:**

ҳудудларда ташкил этилаётган ёшлар **инфратузилмаларини** ёшларни **маданий, маънавий ва мафкуравий** жиҳатдан тарбия топишига кўмаклашувчи маскан бўлишини **ғоявий жиҳатдан таъминлаш;**

Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах вилоятларида канал бўйлари ҳудудларини бошқа ҳудудга ўзгартириш бўйича ҳужжатларни якунига етказиш;

Самарқанд ва Хоразм вилоятларидаёшларга ажратиладиган **ер тоифасини ўзгартириш, янги ер майдонини аниқлаш**;

куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш жараёнларини биринчи навбатда ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш ва уларни хабардорлик даражасини ошириш чораларини кўрсин.

14. Спорт вазирлиги (Икрамов), Маданият вазирлиги (Назарбеков), Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев) 2026 йилда ўтказиладиган беш ташаббус олимпиадасига тайёргарлик кўриш ва лойиҳаларни ўтказиш бўйича йиллик календар режаларни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш чораларини кўрсин.

15. Нуруний жамғармаси (Турдиев), Республика Маънавият ва маърифат маркази (Ҳасанов), Ёзувчилар уюшмаси (Саидов) маҳаллалардаги ижтимоий муҳит ва ёшлар тарбияси бўйича алоҳида шуғулланиб уларни оила муқаддаслиги ғояларига, шунингдек, ислохотларга дахлдорлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган янгича усулларни ўзида мужассам этган тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширсин.

16. Олий Мажлис Сенатининг ёшлар масалалари қўмитаси (Қозихонова), Олий Мажлис қонунчилик палатасининг ёшлар масалалари бўйича комиссияси (Жолдасова)нинг ёшлар етакчилари ва тегишли масъул раҳбарлар билан ҳамкорликда тарғибот ишларини ташкил қилишнинг алоҳида режа-графикини ишлаб чиқиб, лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган ташаббуслари маъқулансин.

17. Навоий вилояти ҳокимлиги (Ходжаев) “Ёшлар бандлиги дастури” режаси ва унинг ижросини **номма-ном рўйхат асосида** қайта кўриб чиқиб, ёшларнинг реал бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

18. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Захидов) Самарқанд шаҳар “Шаҳриобод” маҳалласи ҳоким ёрдамчисининг лавозимда қолиш қолмаслиги юзасидан ўрганиш олиб бориб, амалга оширилган ишлар юзасидан **уч кун муддатда Республика комиссиясига ахборот киритсин.**

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 апрелдаги ПҚ-153-сонли қарорига мувофиқ ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича **Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Фарғона, Самарқанд** вилоятларида **деҳқончилик учун ер ажратиш тизими** етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

20. Андижон, Жиззах, Хоразм вилояти ҳокимликлари “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказиладиган лойиҳаларида энг паст натижалар

кўрсатилганлиги сабабли ҳудудларда амалий ишларни жадаллаштириш чораларини кўрсин.

21. **“Беш ташаббус олимпиадаси”** доирасида сўнгги 3 йилда **Тошкент вилоятини Янгийўл тумани** ҳамда **Навоий вилоятини Ғозғон шаҳри** Республика даражасида **бирорта ҳам ўрин қайд этмаганлиги** кўрсатиб ўтилсин.

22. **“Алоқабанк”** (Ирисбекова) ижобий скоринг хулосаси берилган ёшларнинг бизнес лойиҳаларига **бир кун муддатда** ресурс ажратиш тизимини қайта йўлга қўйиб, амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

23. Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев) **Республика Маънавият ва маърифат маркази** (Ҳасанов) билан биргаликда 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 сентябрдаги ПФ-163-сон Фармонининг мазмун-моҳияти, маҳалладаги ёшлар етакчиларига юклатилган асосий вазифалар ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича маҳалладаги ёшлар етакчиларига ўқув семинарлар ташкил этсин.

24. **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:**

- ёшлар ўртасида жинойтчиликни олдини олиш борасидаги таъсирчан чораларни кучайтириш;

- жинойт ошган ҳудудлардаги энг юқори кўрсаткичларни қайд этган Яшнобод (125 та), Пасдарғом (97 та), Навоий шаҳар (64 та), Кува (57 та), Бўстонлиқ (52 та), Пайариқ (45 та), Каттақўрғон туманлари (43 та), Урганч шаҳар (42 та), Оҳангарон тумани (40 та) раҳбарлари ва масъуллари олиб бораётган ишларини қайтадан кўриб чиқиш;

- республикадаги энг салбий кўрсаткични қайд этаётган **Фарғона вилояти** Фарғона шаҳри “Маърифат” (22 та), “Ойбек” (19 та), Қўқон шаҳри “Сунбула” (12 та), **Тошкент шаҳар** Бектемир тумани “Нурафшон” (19 та), Чилонзор тумани “Бешёғоч” (14 та), Яшнобод тумани “Фазогир” (12 та), **Наманган вилояти**, Поп тумани “Қўшминор” (15 та), Наманган шаҳар “Ғишт кўприк” (10 та), **Андижон вилояти** Андижон шаҳри “Мустақиллик” (14 та), **Тошкент вилояти** Олмалиқ шаҳар “Усмон Носир” (14 та), **Қорақалпоғистон Республикаси** Нукус шаҳар “Халықлар дослығи” (11 та), **Сурхондарё вилояти** Термиз шаҳар “Каттабўғ” (8 та) маҳаллаларининг “еттилик” аъзолари томнидан ёшлар ўртасида жинойтчиликни олдини олиш борасидаги ишларда сусткашликка йўл қўйганлиги учун тегишли тартибда интизомий жазо чораси қўллаш;

- мактаб ўқувчилари энг кўп жинойтларда иштирок этган ҳудудлар **Фарғона вилояти** (201 нафар), **Наманган вилояти** (136 нафар), **Тошкент шаҳар** (131 нафар), **Тошкент вилояти** (93 нафар) ҳамда **Самарқанд вилояти** (83 нафар) масъуллари

ўқувчилар орасида жинойтчиликни олдини олиш бўйича махсус дастур қабул қилиш чораларини кўрсин ва **3 кун муддатда** Республика комиссиясига киритсин.

25. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов) олий таълим ташкилотлари талабалари томонидан содир этилган жинойтлар олдини олиш, талабалар ўртасида тарғибот тадбирларини кучайтириш чораларини кўрсин.

26. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Захидов) Навоий вилояти тажрибаси асосида ёш маҳкумларга жазони ўташ даврида касб-хунар ва хорижий тиллар ўқув курсларини якунлаганлик бўйича махсус расмий сертификат бериш тизимини йўлга қўйсин.

27. Ички ишлар вазирлиги (Ташпулатов), **Адлия вазирлиги** (Ташкулов), **Фавқулотда вазиятлар вазирлиги** (Кудратходжаев), **Миллий гвардия** (Жўраев), **Бош прокуратура** (Тўхтабоев):

Жинойт кўчасига кириши эҳтимоли юқори бўлиб туриб, соғломлаштириш учун ўзларига бириктирилган ёшлар билан ишлашда сусткашликка йўл қўйган Бахмал тумани ИИБ (Э.Нарзуллаев), Андижон тумани ИИБ (Ш.Тўракулов), Шароф Рашидов тумани Давлат хизматлари маркази (Н.Бекмуродов), Поп тумани Фавқулотда вазиятлар бошқармаси (Н.Рахмонов), Давлатобод туман Миллий гвардия (Ш.Файзуллаев), Гурлан тумани прокурори (Б.Салоев), Тупроққалъа тумани ФВБ (Д.Шерниязов), Урганч тумани Миллий гвардия (Э.Абдулхамидов, Ш.Абсаидов), Хонқа тумани ИИБ (И.Оллаберганов), Хатирчи тумани ИИБ (С.Боймуродов), Ховос тумани Адлия бўлими давлат хизматлари маркази (М.Нормуродов), Бекобод тумани ФВБ (Б.Мадумаров), Тошкент туман ИИБ (А.Муллажонов), Пискент тумани ИИБ (Д.Самаров) нисбатан тегишли тартибда **интизомий жазо** чорасини кўрсин.

28. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

бир ҳафта муддатда миграцияга кетиш истагидаги ёшларни касб ва хорижий тилларга ўқитиш бўйича ташкил этилган штаблар фаолятини қайта кўриб чиқиб, нфаолиятни жадаллаштириш;

икки ҳафта муддатда ДХХ ҳудудий бошқармаси бошлиғи назоратида ҳудуддаги масъул ташкилот ва йирик корхона раҳбарлари, мутахассисларини жалб қилган ҳолда техникумлардаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш, уларни ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб, **“Йўл харитаси”** ишлаб чиқиш ва ижрога қаратиш чораларини кўрсин.

Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов) билан биргаликда:

таълим муассасасига малакали амалиёт усталари ва педагог-кадрларни жалб қилиш, ойлик маошларини ошириш, уларга турли имтиёзли преференциялар бериш,

шунингдек педагог ва усталарни миллий ва халқаро малака сертификатида ўтказиш ишларини жадаллаштириш;

техникум директорларининг таълим муассасасида “дуал” таълим шаклини ташкил этишга йўналтирилган ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш бўйича ваколатларини кенгайтириш. Бунда, директорларга таълим муассасаси ҳудудида ишлаб чиқариш устахоналари ва хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этишга рухсат бериш механизмини яратиш;

техникумларни тамомлаган битирувчиларни иш билан бандлигини таъминлаш жараёнларини тизимли ташкиллаштириш, назорат ва мониторингини юритиш механизмларини такомиллаштириш чораларини кўрсин.

29. Туман(шаҳар) ҳокимлари Миграция агентлиги (Мусаев), Ташқи ишлар (Саидов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари (Шарипов) билан ҳамкорликда йирик хорижий иш берувчиларни жалб қилган ҳолда, ҳар бир техникумда “бир иш берувчи - бир техникум” дастурини жорий этиш чораларини кўрсин

30. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Йиғилиш котиби

А. Муминов